

«Dunyoda ilmdan boshqa najot yo‘q va hech qachon bo‘lmagay». **Imom Buxoriy**



# IMOM BUXORIY SABOQLARI

№ 3  
2020

*ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal*

2020-YIL – ILM, MA'RIFAT VA RAQAMLI  
IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH YILI

IMOM  
BUXORIY  
XALQARO ILMIY  
TADQIQOT MARKAZI  
NASHRI

Ushbu sonda:

OILA HUQUQI  
MAVZUSIDA  
YANGI TADQIQOT

3

ALUDDIN  
USMANDIYNING  
BILIM HAQIDAGI  
QARASHLARI

4

MAHMUD  
ZAMAXSHARIYNING  
“KO‘ZI OJIZGA  
TASALLI” RISOLASI:  
YANGI TOPILMA

8

NARSHAXIY –  
BUXORO TARIXIGA  
OID MA'LUMOTLAR

22

ALUDDIN ATTOR  
SHAXSIYATI

44

MOTURIDIY VA  
ISLOMIY E'TIQOD

62

2 BIZ  
2000 – 2020  
YOSH DAMIZ!



## Ушбу сонда:

<b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> Оила ҳуқуқи мавзусида янги тадқиқот.....	3
<b>Отабек МУҲАММАДИЕВ.</b> Алоуддин Усмандийнинг билим ҳақидаги қарашлари.....	4

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

<b>Зоҳиджон ИСЛОМОВ.</b> Маҳмуд Замахшарийнинг “Кўзи ожизга тасалли” рисоласи: янги топилма.....	8
<b>Усмонхон МУҲАММАДИЕВ, Ҳошимхон АМАНОВ.</b> Маҳмуд Бухорий ва унинг “Ҳақоикул манзума” асари.....	9
<b>Равшан ЭЛМУРОДОВ.</b> Имом Мотуридий илмий фаолиятининг ислом илм-фанида тутган ўрни.....	10
<b>Шарофиддин ЛАТИПОВ.</b> “Муватто”нинг ҳанафий мазҳабида тутган ўрни.....	12
<b>Саиджамол МАСАЙИТОВ.</b> Мовароуннаҳр уламоларининг мерос илмига қўшган ҳиссаси.....	14
<b>Zariffjon PO‘LATOV.</b> Ibrat asarlarda turizm va investitsiyaga oid qarashlar .....	16
<b>Миродилло БОБОЕВ.</b> Абу Юсуф илмий меросининг Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги ўрни.....	18

### НОДИР МАНБАЛАР

<b>Мирзақул НОРҚОБИЛОВ.</b> Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-ақоид” асарининг ёзилиш тарихи ва ижтимоий зарурати.....	19
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

<b>Бахтиёр ЭРГАШЕВ.</b> Наршахий – Бухоро тарихига оид маълумотлар.....	22
<b>Sobirjon ISOQOV.</b> Jorj Tomson hamda Reynold Hogning Buxoro va Xivaga “tjorat safari” .....	24
<b>Феруз БОБОЕВ.</b> Хоразм воҳасида совет ҳокимиятига қарши курашнинг сўнгги босқичи (1925-1935 йиллар).....	26
<b>Наврўзбек РАХИМОВ.</b> Совет даври тадқиқотларида Хоразм Халқ Совет Республикаси.....	29
<b>Зуфар ҚОРЁҒДИЕВ.</b> Бухоро лўлиларининг урф-одат ва маросимлари.....	31
<b>Руслан АНЁЗОВ.</b> Ўрта асрларда карвон йўллари хизмат кўрсатиш тизими фаолиятида почта хизмати (Марказий Осиё мисолида).....	33
<b>Фаррух АКЧАЕВ.</b> Жиззах воҳасида ақиқа билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.....	35
<b>Шокир ҒАФФОРОВ, Ш.Р. РАВШАНОВ.</b> Россия империяси даврида Туркистоннинг миллий мактаб ва мадрасалари (Фарғона водийси мисолида).....	36
<b>Санобар ДЖУРАЕВА.</b> Қашқадарё вилояти Китоб тумани зиёратгоҳлари.....	39
<b>Собир ИСМОИЛОВ.</b> Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг пирлари.....	42
<b>Лобар АСРОРОВА.</b> Алоуддин Аттор шахсияти.....	44
<b>Лола МУХАМЕДЖАНОВА.</b> Бухородаги 1917 йил 7 апрель воқеалари ва унинг тарихий фожияси.....	46
<b>Миржалолхон АСАТУЛЛАЕВ.</b> Вклад Узбекского народа в победу над фашизмом в годы второй мировой войны.....	49
<b>Шербек РАВШАНОВ.</b> Россия империясининг аҳолини кўчириш тарихий тажрибаси ва унинг Марказий Осиёга таъсири.....	51
<b>Хусниддин ЖЎРАЕВ.</b> “Туркистон тўплами” ва рус даврий матбуоти Туркистонга кўчирилган аҳолининг машғулоти ҳамда ҳўжалик фаолияти ҳақида маълумот берувчи манба (XIX аср охири – XX аср бошлари).....	55
<b>Одилжон ИНОМОВ.</b> Қовунчи маданияти аҳолиси антропологик типининг шаклланиши.....	57
<b>Саидақбар МУҲАММАДАМИНОВ.</b> Бухоро амирлиги даврида яратилган айрим фатво тўпламлари ва уларнинг тарихий аҳамияти.....	60

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Шохрух АБДУРАСИЛОВ.</b> Мотуридий ва исломий эътиқод.....	62
<b>Шукруллоҳ ҚУРБОНОВ.</b> Инсоният тараққиётида Ислom цивилизациясининг ўрни.....	64
<b>Абдувоҳид ЎРОЗОВ.</b> «Насх» оятлари ҳақида.....	66
<b>Қурбон НУРБОЕВ.</b> Самарқанд шаҳри эронийлари: дини, динга боғлиқ урф-одатларидан айрим жиҳатлар.....	68
<b>Сойибназар КАРИМОВ.</b> Ислom цивилизациясининг маънавий-руҳий асоси.....	69

### ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

<b>Фаррух ҚИЛИЧЕВ.</b> Шахс экологик маданиятини юксалтиришда ислом дини ғояларининг аҳамияти.....	72
<b>Жамшид ТОШБОЕВ.</b> Ўрта Осиё халқлари давлатчилик тарихида трансформацион жараёнларнинг намоён бўлиши.....	74
<b>Асрор ТУРСУНОВ.</b> Восстановление духовно-культурного наследия узбекского народа в годы независимости (1991-2015 гг.).....	76
<b>Беҳзоджон МАЛИКОВ.</b> АҚШ ва Францияда давлат хизматини ташиқил этишининг ўзига хос хусусиятлари.....	79



## СОВЕТ ДАВРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ

Наврўзбек РАХИМОВ

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети ўқитувчиси

Совет йилларида Хива хонлигининг тугатилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг тарихига бағишланган кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг натижаси ўлароқ мавзуга доир маълумотлар ва архив ҳужжатлари илмий муомалага киритилган. Шу билан бирга ушбу давр давлатчилигимиз тарихида мураккаб, зиддиятли бўлган ва муаммони илмий ўрганишда мафкуравий тазйиқлар устивор бўлган. Бу масалалар тарихшунослик нуқтаи назарадан таҳлил қилиниб, ўзбек давлатчилиги тарихида қай даражада ўрганилганлиги кўрсатиб беради.

**Таянч сўзлар:** Октябрь тўнтариши, РСФСР, "Вопросы истории КПСС", Бутунроссия Конгресси, Туркистон АССР, Хива инқилоби, Хоразм инқилоби.

XX аср биринчи чорагида мавжуд бўлган миллий давлатлар ХХСР, БХСР ва Туркистон мухторяти давлатлари тарихи бир аср давомида кўплаб тарихчиларнинг тадқиқот мавзусига айланган. Совет даврида бу масалаларнинг ёритилиши, қай даражада ўрганилганлиги масаласи давлатчилигимиз тарихининг долзарб масалалардан биридир.

Россия империясига сўнги йилларида подшо тузимига қарши инқилобий кучлар юзага келади. Подшо ҳокимиятининг жойларда таъсири сезиларли даражада пасайди, жумладан, Марказий Осиёда ҳам. Натижада, маҳаллий зиёлилар ва большевиклар бирлашиб, Марказ – Россияда ва Туркистонда октябрь тўнтаришидан қўшни ўлкаларда ҳам вазият ўзгарди. 1920 йилдаги Хива инқилоби натижасида хонлик ҳудудида Хоразм Халқ Республикаси (ХХР)ни социалистик республикага айлантириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар маҳаллий халқнинг турмуш тарзи ва ўзбек давлатчилиги анъаналарига таъсирини ўрганишга қаратилган совет давридаги тадқиқотлар анчагина.

Совет даври тадқиқотларида Хива хонлигининг тугатилиши ва ХХСРнинг ўрганилишини икки давр ажратилиши мумкин.

Биринчи давр – 50 йилларнинг ўртасига қадар. Бу давр адабиётлари ва тадқиқотларида, асосан, Хива хонлигининг тугатилиши ва ХХСРнинг ташкил қилиниши, Ўрта Осиёда октябрь тўнтаришининг ғалабаси ҳақидаги умумий катта мавзунинг ажралмас қисми сифатида баҳоланади.

Социалистик мафкура лидерларидан бири В.И. Ленин бу воқеаларга "Илғор мамлакатларда инқилоб фуқаролик урушида ишчилар синфининг буржуазияга қарши демократик ва инқилобий миллий озодлик кураши, шу жумладан, ривожланмаган, орқада қолган ва мазлум халқларнинг ҳаракатидир" [1: 112], деб баҳо беради. Бу баҳо таъсирида Хива инқилоби ва Хоразм Халқ Совет Республикаси сиёсий воқеаларга асосий эътибор қаратилиб, бирёклама ёндашувли қатор илмий адабиётлар ҳам яратилган [2]. Ушбу адабиётларда, хонликдаги инқилобий ҳаракатлар октябрь тўнтаришининг таъсирида, яъни 1920 йил хонликдаги вазият ўзаро қарама-қаршиликлар, инқилобни амалга оширишда қизил армия ва бутун РСФСР томонидан Хива халқига фидокорона ёрдам кўрсатиши натижасидадир, деб баҳо берилиб, Ёш хивалиқлар партияси буржуа – миллатчи партия сифатида кўрсатилади.

«Вопросы истории КПСС» журналининг "Хоразм ва Бухоронинг тажрибаси" номли мақоласида – 20-йиллардаги ҳаракатларга "Ўтиш даврида Хоразм ва Бухорода ишчи ва деҳқонлар синфининг диктатурага қарши инқилобий-демократик ҳаракатларнинг ўсиши ва кучайиши қишлоқ

*In Soviet years, a lot of research was carried out on the liquidation of the Khiva Khanate and the history of the people's Soviet Republic of Khorezm. As a result of them, the data and archive documents on the subject are included in the scientific report. At the same time, this period was complicated, contradictory in the history of our statehood and ideological pressures in the scientific study of the problem prevailed. These issues are analyzed from the point of view of historiography and see to what extent they have been studied in Uzbek statehood.*

*В советские годы было проведено много исследований по ликвидации Хивинского ханства и истории Хорезмской Народной Советской Республики. По их результатам данные и архивные документы по данной теме включаются в научный отчет. В то же время этот период был сложным, противоречивым в истории нашей государственности и преобладали идеологические давления в научном изучении данной проблемы. Эти вопросы анализируются с точки зрения историографии и показывают, в какой мере они были изучены в узбекской государственности.*

аҳолисининг онг даражасини ошириш каби ривожланиш истаги борлигини кўрсатар эди" [3: 61] – деб баҳо берилади. Бу давр тадқиқотларининг яна бир хусусияти октябрь тўнтаришига халқ демократик инқилоби, деб тус берилиб, инқилоб ғалабаси натижасида биринчи Хива хонлигида, сўнгра Бухоро амирлигида тарихда биринчи марта совет Россиясининг рус ва бошқа халқларининг бегараз ёрдами билан социализмга ўтишни амалга оширди, суверен, кўп миллатли халқ-совет республикалари пайдо бўлди, ушбу республикаларнинг ривожланиш йўлидаги тажрибасини умумлаштириш, сиёсий мустақилликка эришган барча ривожланаётган социалистик бўлмаган мамлакатлар учун муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир мазмунда советча мафкурага кучли тус берилади.

Иккинчи давр – 50 йилларнинг ўрталаридан то мустақилликкача бўлган давр, бу давр адабиётлари ва тадқиқотларида яна совет мафкурасига қайтиш, унинг таъсирини кучайтириш сезилади. Жумладан, КПСС Марказий қўмитаси котиби Б.Н. Пономарёв 1962 йилдаги "Тарих фанининг ҳолати ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги маърузасида совет тарихчиларининг эътиборини "Хоразм ва Бухоро халқ совет республикаларини ривожлантириш тажрибасини чуқур ўрганиш ва умумлаштириш зарурдир. Бу тажриба ҳокимият мустамлакачиликдан озод бўлган халқларнинг мулкига айланиши учун у барча аниқликда намоён бўлиши керак, нафақат якуний натижа, балки бу жарённинг ҳақиқий ҳаракати ҳам кўриниши керак" [4: 22] – деб таъкидлайди.

ХХСР ва БХСР билан боғлиқ социализмга асосланган иқтисодий тараққиётнинг умумий назарий масалалари бўйича тадқиқотлар [5] соҳасида ҳам муҳим қадам ташланади ва бу вазифани амалий жиҳатдан бажариш 60-70 йилларда амалга оширилди.

1970 йилда Л.М. Ландой томонидан яратилган асар Хива инқилоби ва Хоразм Халқ Совет Республикаси тарихи бўйича қисқа, аммо батафсил адабиёт сифатида кўрсатилади [6]. Ушбу тадқиқотда ҳам бу борада ундан олдин билдирилган қарашлар давом эттирилиб, воқеаларни бирёклама ёритиш, мавжуд коммунистик мафкурадан келиб чиқиб ёндашиш устуворлик қилганлиги анча сезилиб туради. Айниқса, М.Джунусовнинг ХХСРга бағишланган тадқиқотида шундай ёндашувлар устуворлик қилганига дуч келамиз [7]. Шунингдек, бу мавзуда бошқа бир қатор муаллифларнинг янги тадқиқотлари пайдо бўлди. Жумладан, 1964-1965-йилларда «Вопросы истории КПСС» журнали саҳифаларида социализм тараққиёти йўли муаммолари бўйича чоп этилган мақолалар нашр этилди. Ми-

сол учун М.А. Ахмедованинг социализмнинг ривожланиш йўли тўғрисидаги тадқиқотлари. Унинг китобларидан бири – «Опыт перехода республик Советского Востока на путь социализма и его особенностей» – Хоразм, Бухоро ва мустақил Туркистон Социалистик Совет Республикаси билан бевосита боғлиқ. Яна бир иш – «Некапиталистический путь. Некоторые проблемы теории и практики» асари умумлаштирилган тадқиқот бўлса-да, ammo унда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразмга бағишланган махсус бўлим мавжуд [8]. М.А. Ахмедованинг изланишларида, ривожланишдан орқада қолган халқларнинг, жумладан Хоразм ва Бухоро халқларининг ривожланишида совет мафкураси асосий роль ўйнади, деб хулосалар беради. Ушбу монографиянинг аҳамияти шундаки, унда фақат ХХСР ва БХСРда социализм ривожланишининг амалий тажрибаси ва хусусиятлари таҳлили эмас, балки муайян муаммолар ҳам ўртага ташланади.

Бундай тадқиқотлардан яна бири Г.М. Билялов, И.А. Алимов, М.Н. Мамаджоновнинг ишларидир [9]. Г.М. Биляловнинг «Из истории культуры и просвещения в ХНСР. 1920-1924 гг.» китобида Хоразм маданий инқилобини тадқиқ қилишга қаратилган дастлабки тадқиқот, деб баҳо берилди.

И.А. Алимовнинг тадқиқоти 1920 йилдан кейин Бухоро ва Хоразмда энг долзарб масалалардан бири – аграр масалани ҳал қилиш жараёни ҳақида тўлиқ тасаввур беради [10]. Ушбу асар бошқа муаллифларнинг асарларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барча жиҳатларини қамраб олади ва умумлаштиради. Бу тадқиқотнинг давоми сифатида Ф.Х. Қосимовнинг тарихшунослик тадқиқотида муаммо бўйича ёзилган барча масалаларни умумлаштиради, муаллифларнинг турли нуқтаи назарларга баҳо беради. Ушбу монография 50-йилларнинг биринчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади. 1980-йилда Ф.Х. Қосимовнинг иккинчи монографияси нашр этилиб, асар Марказий Осиё халқларининг социализмгача бўлган даври тарихшунослигига бағишланган. Ушбу монографияда мавзу бўйича 1970 йилгача яратилган адабиётлар қамраб олинади [11].

Советларнинг ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар депутатларининг II-Бутунроссия Конгресси мурожаатида октябрь инқилобининг ғалабасидан сўнг «Россия халқларининг ҳуқуқлари декларацияси», «Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткашлари мусулмонларига» махсус қақирувидан совет ҳукумати Россия халқларининг тенглиги ва суверенитетини, эркин ўз тақдирини белгилаш ва мустақил давлатларни шакллантириш ҳуқуқини тантанали равишда эълон қилди. Бироқ, Ўрта Осиё халқлари уларга берилган ҳуқуқларидан фойдалана олмадилар, фойдалана ололмас ҳам эди. Сабаби, советлар бу қақирқни амалга ошириш йўллари аниқ тўсиб қўйган, марказдаги коммунистлар қарорларининг бу йўсинда амалга оширилишидан манфаатдор эмасдилар.

1976 йилда «История Хорезмской Народной Советской Республики» номи хужжатлар тўплами чоп этилиб, асар Ўзбекистон ва Туркменистон ССР, Республика ва вилоят архивидан олинган материалларни ўз ичига олади. Бу хужжатлар даврийлик асосида акс эттирилган.

Совет даври тадқиқотларида хориж олимларнинг Хива хонлигининг тугатилиши ва ХХСРнинг тарихига оид адабиётларида Хоразмдаги воқеаларнинг қўпол равишда сохталаштирган буржуа муаллифларининг иши, деб баҳо берилди. Жумладан Ф.Х. Қосимов ўз монографиясида [12: 503] махсус бўлим – «Совет тарихчиларининг Ўрта Осиё республикаларида социализм қурилишининг буржуа сохталаштирилишига қарши курашиши» – деб номланади.

Москва давлат университетида таҳсил олган америкалик муаллиф Сеймур Беккер [13] китоби 1865 йилдан 1924 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Муаллифнинг фикрига кўра, бу

вақт мобайнида Бухоро ва Хива ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмаган. Ўрта Осиёда октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши тарихига оид кўплаб хужжатлар тўплами нашр этилган, ammo уларда Хоразм ҳақидаги материаллар фақат қисман тақдим этилган. Ушбу мавзу бўйича турли хил хотиралар мавжуд. Бу хотиралар реал тарихни яратишда муҳим манба сифатида тадқиқ қилиниши лозим деб баҳо берилди.

1980 йиллар тадқиқотларида Совет тарих фанининг ривожланганлиги эътироф этилади. Бунга асос сифатида эришилган ютуқлар, кўплаб Марказий ва маҳаллий архивларда янги хужжатларнинг аниқлаши ва ўрганилиши, тизимлаштирилиши ва илмий тавсифлаш устунлик қилганлигига урғу берилди. Бу ўз ўрнида тарихчилари томонидан бир қатор мавзуларни, шу жумладан, Хива инқилоби ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг тарихини ўрганишининг янги даврини бошлаб беради, деб баҳоланади. Хусусан, ХХСР ва БХСРнинг мустақил фаолият юритишга бўлган ҳаракатини феодал шарқона қоқоқлик, деб тарифланиб, уларнинг ҳаракатига қарши инқилобларнинг ўчоқларига айланганига урғу берилди.

Ушбу давр тадқиқотларига, яратилган илмий адабиётларга баҳо берилганда мавзуни ўрганишдаги барча ютуқларига таянган ҳолда, Хива хонлигининг тугатилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг тарихи мураккаб, баъзан қарама-қаршиликларга тўла бўлганлиги, нафақат аниқ ютуқлар билан боғлиқ, балки бир қатор жиддий хатолари билан очиб берилганлиги билан муҳимдир. Уларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

- Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос тарихий характеристикасига баҳо берилди;
- Октябрь тўнтаришидан кейинги даврда Марказий Осиё халқларига сингдирилган совет мафкураси устуворлик қилади;
- бир қатор тарихчилар нафақат тадқиқотлар, балки муҳим ҳуқуқий адабиётларни ҳам ҳисобга олган ҳолда тарихшунослик ва манбашунослик нуқтаи назари асосида ўрганишга ҳаракат қилишган.

- ХХ асрнинг биринчи ўн йилликларида Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилишининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган, Хива хонлигининг тугатилишидаги шарт-шароитга эътибор қаратилган, бироқ воқеликларга синфий ёндашув устуворлик қилган;

- Хоразм Халқ Совет Республикасида инқилобий-демократик ўзгаришларни амалга оширишда қўлланилган усул ва воситалар таҳлил қилинган, бироқ кўп ҳолларда мафкуравий ёндашув асл ҳолатни ёритишдан чекинишга олиб келган;

- РСФСРнинг Хоразм Халқ Совет Республикасидаги тасири, Хоразмда социалистик республика ўрнатилиши комплекс таҳлил қилинган, бироқ кўп ҳолларда марказдан юборилган кучлар фаолияти бўрттирилиб, маҳаллий аҳоли вакилларининг фаолияти баъзан камситилган ҳолатлар кўзга ташланади;

- Бу давр тадқиқотларида ХХСР тарихига мафкуравий ёндашув, синфий курашни бўрттириб кўрсатиш ва бирёқлама ёритиш устуворлик қилади. Бироқ улар илк ва асосий (ҳажмининг кенглиги) изланишлар бўлгани ва масалани изчил ёритганлиги, шунингдек манба вазифасини бажариши билан аҳамиятлидир;

Хулоса қилиб айтганда, совет даври тадқиқотларида, чоп этилган ХХСР тарихига оид асарларда коммунистик мафкуранинг таъсири яққол номоён бўлса-да, бу тадқиқотларнинг эътирофга лойиқ хусусияти бирламчи манбалардан ва муҳим тарихий архив хужжатларидан фойдаланиб яратилганлигидир.

Албатта, биз реал тарихни яратишимиз учун бу давр тадқиқотлари ва адабиётлари муҳим манба ҳисобланади. Шу боисдан, Хива хонлигининг тугатилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикаси тарихига оид совет даври адабиётларини мафкурадан ҳоли ўрганиш ёки ажратиб олган ҳолда тадқиқ қилиш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ленин В.И. Полн. собр. соч., т. 30.
2. Ахмедова М. А. Совет Шарқи республикаларининг социализм йўлига ўтиш тажрибаси ва унинг хусусиятлари. Ташкент, 1967; ўша муаллиф. Капиталистик бўлмаган йўл: назария ва амалиётнинг айрим муаммолари. –Т.: 1976.
3. Вопросы истории КПСС, 1965, № 6.
4. Коммунист, 1963, № 1.
5. Билялов Г.М. Из истории культуры и просвещения в ХНСР. 1920–1924 гг. Ташкент, 1966; Алимов И. А. Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари қишлоқ хўжалиги ўзгаришлари. Ташкент, 1970; Мамаджанов М. Н. Хоразм Халқ Совет Республикаси иқтисодий-ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлари. –Т.: 1974.
6. Ланда Л.М. Некоторые аспекты хорезмской революции 1920 г. в советской историографии. – В кн.: Общественные науки в Узбекистане, №2. –Т.: 1970.
7. Джунусов М.С. Методологические вопросы изучения национальных соционических культур. «Культурная революция в СССР.1917-1965». –М., 1967.
8. Ахмедова М. А. 1) Совет Шарқи республикаларининг социализм йўлига ўтиш тажрибаси ва унинг хусусиятлари. Ташкент, 1967; ўша муаллиф. Капиталистик бўлмаган йўл: назария ва амалиётнинг айрим муаммолари. –Т.: 1976.
9. Билялов Г. М. ХХСР нинг маданият ва таълим тарихидан. 1920–1924 гг. Ташкент, 1966; Алимов И. А. Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари қишлоқ хўжалиги ўзгаришлари. Ташкент, 1970; Мамаджанов М. Н. Хоразм Халқ Совет Республикаси иқтисодий-ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлари. –Т.: 1974.
10. Каландаров Н. Х. Хоразм Компартияси таълими ва фаолияти. 1920-1924 гг. –Т.: 1975.
11. Касимов Ф. Х. 1) Ўрта Осиё халқларининг социализмга ўтиши, капитализмни четлаб ўтиши: тарихшунослиги. Ташкент, 1979; ўша муаллиф. Минув капитализм: Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму. –М., 1980.
12. Касимов Ф. Х. Капитализмни четлаб ўтиш: Ўрта Осиё халқларининг социализмга ўтишининг совет тарихшунослиги. Москва – Бухара, 1979.
13. Becker S. Russia's protectorates in Central Asia Bukhara and Khiva 1865–1924. Camb., Mass., 1968.